

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги "Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 299-сонли қарори. Тошкент, 2018.
6. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги Миллий ҳисобот. Тошкент, 2020.
7. Қишлоқ ҳўжалиги учун 1:10 000 ва бошқа масштабларда карталарни ва планларни яратиш ҳамда майдонларни ҳисоблаш бўйича Қўрсатма. Тошкент, Ўздаверлойиҳа, 2007.
8. Бабажанов А.Р, Раҳманов Қ.Р, Ғофуров А.Ж. Ер кадастри. Тошкент, 2008.
9. Ўзбекистон Республикасининг Ер фонди. Статистик тўплам. Тошкент, Давгеодезкадастр, 2020.
10. Толипов Ғ.А. Ўзбекистон Республикаси Ер кадастри. Тошкент, Агроинформ, 1994.

УЎТ: 532.

ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ

This article examines the state of work being done in our country to ensure food security in agriculture and further increase the export potential, and provides recommendations on the problems and their solutions.

Жаҳон бозорида маҳсулотларга қўйилган сифат ва хавфсизлик талабларининг тобора кучайиб бориши республикамызда етиштирилаётган маҳсулотларнинг ҳалқаро бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш учун қўшимча чора-тадбирлар қўришни талаб қилинмоқда.

Мазкур йўналишда республикамызда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича стратегик жиҳатдан мақсадли ҳамда изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Бу борада мамлакатимизда қайта ишлаш корхоналарини ҳаммаё билан мунтазам таъминлаш, ишчи истеъмол бозорини йил давомида мева ва сабзавот билан барқарор тўлдириш, шунингдек, ташки бозорларга харидорлар ва рақобатбардор бўлган ҳўл мева ва қайта ишланган мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун уларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизим яратилмоқда.

Бугунги кўнда қуйидагилар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари ва вазифалари этиб белгиланмоқда:

- Қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда белгиланган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳўжатлар талабларига риоя қилишни таъминлаш;

- маҳаллий стандартларни ҳалқаро ISO 9001, "НАССР", ISO 22000, Global G.A.P, "Halal" ва organic стандартларга уйғунлаштириш ва улар асосида сертификатлаштириш тизимини шакллантириш;

- қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига доир техник регламентлар ишлаб чиқиш.

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳўлда қишлоқ ҳўжалиги озиқ-овқат хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш соҳасида:

- қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштиришда Global G.A.P, "Halal" ва organic стандартлар талаблари асосида сертификациялаш тизимини шакллантириш;

- қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида "НАССР" таъминиллари асосида ISO 22000 стандартларини жорий қилиш лўзим ҳисоблангани.

Ҳўзрда Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасини ривожлантириш бўйича ишлар ҳўлати қуйидагича:

Юртимизда 13 та қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи корхоналарда Global G.A.P ва organic стандартлари жорий этилди. Уларнинг умумий сони 77 тага етди. 2039 гектар майдон қамраб олинди. 600 гектар майдонига эга ҳўдда етиштирилаётган 14 турдаги маҳсулотларни ҳалқаро стандартлар талаблари асосида ҳўриқий давлатларга экспорт қилиш имконияти яратилди. Мисол учун Сирдарё вилоятидаги "Деҳқонбод анори" кооперацияси асосида 36 та "БЕК" кластери қўшимча тарзда 60 та фермер ҳўжалигини жамлаган ҳўлда, ҳалқаро "Global G.A.P" стандарти асосида сертификатлаштирилди. "Halal" стандарти бўйича сертификат олиш учун ҳўқуқий асос яратилиб, барча меҳанизмлар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон ИСлом мамлакатларининг стандартлар ва метрология институти (SMIC) аъзосига айланган. Эндиликда Ўзбекистонда олинган "Halal" сертификати ҳалқаро аҳамиятта эга бўлади.

Техник регламентлар сони ҳўзирги кўнда 54 тага етди. Маҳаллий стандартларни ҳалқаро стандартлар билан уйғунлаштириш даражаси 50% га яқинлашди. Ўзбекистонда Сифат тизими сертификатлаштирилган ва Давлат реестрига киритилган корхоналар сони 11195 та. Шундан 10259 таси ISO 9001 ва 307 таси ISO 22000 қўлланганли эса бошқаларни ташкил этади.

НАССР таъминиллари асосланган ҳўлда ISO 22000 стандарти озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигига айнан тегишлидир. Лекин қўридаги маълумотлар корхоналарда ушбу стандартнинг жорий қилинганлигидан даражаси мавжуд корхоналар сонига нисбатан паст эканлигини кўрсатмоқда. ISO 22000 стандартини жорий этган корхоналар маҳсулотларини нафақат Европа мамлакатлари балки Россия, Белоруссия, Арманистон ва Қўзғоистонга экспорт қилишлари мўмкин бўлади. Бу эса қишлоқ ҳўжалигида озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт салоҳиятини янада ошириш имкониятларини беради. НАССР таъминиллари асосланган ҳўлда ISO 22000 стандартини ишлаб чиқиш ва жорий қилишда қатор камчиликлар мавжуд. Улар сирасига аёбортларнинг етарлича эмаслиги, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида қўнун ҳўжатлари пўхта эмаслигини, бу борадаги ташаббусларни молиялаштириш имкониятлари чекланганлигини киритса бўлади. Бўндан ташқари, ISO 22000 стандартини жорий этиш ҳаддан ташқари қўмнат эканлиги, ишлаб чиқиш бағоят мураккаблиги, Ўзбекистондаги воқелик учун яроқсизлиги ҳақида ҳам маълумотлар тарқалган.

НАССР таъминиллари асосланган ҳўлда ISO 22000 стандартини жорий қилишга кетадиган сарф-харажатлар қўмнати мўйван тармоқнинг ўзига, корхона, бино, фойдаланилаётган ускуна, техноложик жараёнининг ҳўлатига, фойдаланилаётган озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлиги юзасидан корхонада қандай стандартлардан фойдаланилаётганлигига боғлиқдир. Агар санаб ўтилганларнинг ҳаммаси яхши ҳўлатда бўлса, ISO 22000 стандартини жорий этиш анча арзонга тушади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига менежмент тизимлари жорий этилган амалда (ишчи ҳўлатда) бўлган тизим экспортга янгидан-янги бозорларни эгаллаш йўлини очиб берувчи восита бўлиб қолади.

Бобир ИСМОИЛОВ, катта ўқитувчи,
Мирсаид МИРАХМЕДОВ, магистр,
Зайниддин АКБАРҲОДЖАЕВ, доцент,
Сардор АННАМУРОТОВ, ассистент.
Тошкент Кимё-технология институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Б.Д. Юсупов, А.А. Джуманов, О.И. Соатов, Ш.А. Тўраев. "Агросаноат мажмуи корхоналарида сифат менежментини ташкиллаштириш". Ўқув-услубий қўлланма. Тошкент, 2011 й.
2. Д. Сатторов. "Миллий стандартлар жаҳон" "Янги Ўзбекистон" газетаси, 2021 йил 6-январь, 3-сон, 4-бет.
3. http://www. Standart.uz
4. http://www. Norma.uz
5. http://www. Google.ru

УЎТ: 631.1:001.895(575.1)

ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИДА INNOVATION TEKNOLOGIYALARNI QO'LLASH AFZALLIKLARI

In this article, you will learn about the advantages of laser leveling, the innovative technology used in land leveling in agriculture - the benefits and work efficiency.

Қишлоқ ҳўжалигида деҳқончиликни ривожлантириш, ерозиёга уҳраган тўроқларнинг умумдорлигини ошириш, тўроқларнинг мелератив ҳўлатини yaxshilash uchun zamonaviy innovatsion texnologiyalardan foydalanish davlatimiz oldida turgan asosiy vazifalardan biri hisoblanadi. Respublikamizning asosiy sug'oriladigan maydonlari tog'oldi qiyaliklarida joylashgan va ular sug'orish eroziyasiga ko'proq uchragan. Tuproqlarning ustki qatlamini sug'orish natijasida yemirilishi qishloq xo'jaligi ekinlari hosilining va tuproq umumdorligining pasayishiga olib keladi. Shuning uchun bunday xo'jaliklarda tuproq umumdorligini tiklash uchun intensiv dehqonchilik tizimlaridan va yangi zamonaviy innovatsion texnologiyalardan foydalanish zarur. Yuqoridagilarga asoslangan holda, sug'orish eroziyasiga uchragan tuproqlarning umumdorligini tiklash va hosildorlikni oshirish maqsadida, samarali innovatsion usullardan foydalangan holda dala tajribasini o'rganish zarur. Bugungi kunda dunyo aholisi keskin o'sishi, o'z navbatida qishloq xo'jaligi mahsulotlariga bo'lgan kundalik ehtiyojning o'sishiga olib kelmoqda. Bu esa dunyoning barcha mamlakatlari qatori O'zbekistonda ham mavjud yer maydonlari va sug'orishlaridan foydalanish uchun samarali foydalanib, qishloq xo'jaligi ekinlaridan yanada ko'proq mahsulot olish lozimligini taqozo etadi. Qo'shimcha suv zaxiralari yo'qligi tufayli, qishloq xo'jaligi ekin maydonlarini kengaytirishning imkoni yo'qligini inobatga olgan holda, mavjud suv resurslaridan yanada umimli foydalanishimiz kerak bo'ladi. Shu nuqtai nazaridan sug'oriladigan maydonlardan foydalanish samaradorligini oshirish agrar soha oldida turgan eng dolzarb vazifalardan biridir. O'zbekistonning yer fondi 44 mln. gektarni tashkil qilib, shundan qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarishda foydalaniladigan yer maydoni 25 mln. gektardan ortig'iga tog'ri keladi. Bir qarashda bu miqdor ko'pgacha o'xshab ko'rinsa-da, aslida qishloq xo'jaligida intensiv foydalanilayotgan yerlar asosan sug'oriladigan maydonlardan iborat. Sug'oriladigan maydonlar 4,19 mln. gektarga teng bo'lib, umumiy yer fondining 9 foizidan ortig'ini tashkil qiladi. Shunga qaramasdan, yalpi qishloq xo'jaligi

mahsulotlarining 95 foizdan ortig'i ushbu maydonlarda yetishtiriladi. Hozirgi global iqtisodiy rivojlanish sharoitida sug'oriladigan maydonlar mahsuldorligini oshirishning eng zamonaviy, innovatsion- texnologik usullaridan biri qishloq xo'jaligida yerlarni lazer nivelirida tekislashni ommalashtirishdir. Sug'orma dehqonchilikda dala maydoni yuzasining tekisligi – yer, suv, o'g'it va energiya resurslaridan samarali foydalanish, ekinlardan yuqori hosil olish hamda iqtisodiy barqarorlikni taminlovchi asosiy omillardan hisoblanadi. Yerlarni lazer nivelirida yordamida tekislash deganda dala maydoni yuzasidagi eng past va baland joylar farqi 3 sm. dan oshmaydigan darajadagi mahsulot jihozli, lazer nivelirli qurilmalar yordamida tekislash usuli tushuniladi. Mamlakat qishloq xo'jaligiga tatbiq etiladigan mazkur texnologiyani hozirda keng ommalashtirish zarur. Shuning uchun mazkur texnologiyani chuqur o'rganish, sinovdan o'tkazish, rivojlantirish va amaliyotga kengroq tatbiq etish talab qilinadi. Hususan, dunyo mutaxassslarining tadqiqot natijalariga ko'ra lazer nivelirli yordamida tekislashning birmuncha afzalliklari mavjud bo'lib, bular quyidagilardan iborat:

Sug'orish suv sarfi 20-25% ga tejalandi;
Suvdan foydalanish samaradorligi 30-40% ga ortadi;
Sug'orish suvi orqali ortiqcha tuz yuzaga kelishning oldi olinadi;
Sug'orishga ketadigan vaqt, tishchi kuchi va energiya tejalandi;
Dala maydoni ekinlari bir tekis o'suvchanlikka ega bo'ladi;
Ekinlar ozuqa moddalar va namlik bilan bir xil me'yorda ta'minlanadi;
Begona o'tlar miqdori 10-15% ga kamayadi;
Qishloq xo'jaligida 1 gektar maydonidan qo'shimcha 5-7 sentner hosil olishga erishiladi;
Qo'shimcha olingan hosil xo'jalikning qo'shimcha iqtisodiy daromad manbaiga olib keladi;
Albatta, qo'shimcha olingan hosil hisobiga mahsulotni eksport qilish salohiyati yanada ortadi;
Eng asosiysi, yerga ishlov berish to'g'ri olib borilsa, dala maydoni 3-5 yilda qayta tekislanadi.